

Абулқосимов Ҳ.П.,

Ўзбекистон Миллий университети профессори,
иқтисод фанлари доктори

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДА ОИЛА ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРИ

АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДА ОИЛА ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Мақолада оиланинг моҳияти, уй хўжалигини юретишни таъминлаш ва унинг иқтисодий вазифалари, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти очиқ берилган. Унда оиланинг инсон капитални шакллантиришдаги роли ва унинг Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлашнинг айрим йўллари баён этилган.

Таянч сўзлар: бозор иқтисодиёти, уй хўжалиги, даромадлар ва харажатлар, аҳолининг турмуш даражаси, оила, оила бюджети, оила иқтисодиёти, оилавий тадбиркорлик, инсон капитали.

АБУЛҚОСИМОВ Ҳ.П. СЕМЬЯ В СИСТЕМЕ РЫНОЧНЫХ ОТНОШЕНИИ И ЕЁ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ФУНКЦИИ

В статье раскрывается социально-экономическое содержание семьи, принципы ведения домашнего хозяйства и её экономические функции, а также значение семейного предпринимательства в условиях рыночной экономики. В ней излагаются роль семьи в формирование человеческого капитала и некоторые пути укрепления её социально-экономических основ в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: рыночная экономика, домашнее хозяйство, доходы и расходы, уровень жизни населения, семья, семейный бюджет, семейное предпринимательство, семейная экономика, человеческий капитал.

ABULKASIMOV KH.P. ECONOMIC FUNCTIONS OF THE FAMILY IN A MARKET ECONOMY

The article "Economic functions of the family in a market economy" reveals socio-economic consistence the family institutions, the principles of homemaking and its economic functions, as well as the importance of family business in the conditions of market economy. It outlines the role of the family in the formation of human capital and some ways to strengthening its social and economic foundations in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: market economy, households, income and expenses, living standard, family, family budget, family entrepreneurship, family economics, human capital.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжалигининг намоён бўлиш шакли оила бўлиб, унга тегишли хусусиятлар оилага ҳам тегишли бўлади. Оила қариндошлик алоқалари ва маиший ҳаёт умумийлиги асосида онгли равишда ташкил этилган кишиларнинг кичик гуруҳидир. Оиланинг ҳаёт фаолияти шахсинг, у аъзо бўлган оиланинг ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини рўйбга чиқариш мақсадида амалга оширилади.

Амалий ҳаётда оила кўпчилик ҳолларда эркак ва аёлнинг ўзаро жуфтлашишидан иборат бўлиб, у ўзининг уй хўжалигини мустақил равишда юритади. Анъанага кўра, оила никоҳдан бошланади. Иқтисодиёт назарияси нуқтаи назаридан, никоҳлар эркак ва аёлнинг бир-бирига мослигини аниқлайдиган "бозор"да шаклланади. Самарали бозорда эркак ва аёлнинг бир-бирларига мослиги назарияси асосида ўзаро танлашлари юз беради. Оилада ҳар бир томон очиқ ёки билвосита ҳолда маълум мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Бунда улар томонларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини тан оладилар.

Никоҳни, иқтисодий нуқтаи назардан, ҳар қандай фирма ёки ташкилот низомига ўхшатиш мумкин. Худди ташкилотда бўлгани каби оиланинг ўзига яраша ҳаёт кечириш қонун-қоидалари вужудга келадик, улар чекланган ёки мослашувчан бўлиши мумкин. Шунингдек, оилани инвестиция лойиҳасига ўхшатиш мумкин. Чунки бирмунча вақт ўтгач, ушбу никоҳдан маълум натижа, самара олиш қўзда тутилади.

Оилада кишилар хатти-ҳаракатлари рационал бўлиб, никоҳнинг нафлилиги билан зиёнлиги ва харажатларини таққослайдилар. Шунингдек, оила активларига бўлган мулкӣ муносабатлар ҳам ҳисобга олинади. Оиланинг ва никоҳнинг афзалликлари унинг қандай маҳсулот ва хизматлар яратиш қобилияти билан ифодаланади. Улар эса қуйидагилардан иборат:

- эр-хотиннинг оилада, никоҳда маҳсулот, неъмат яратиш, ишлаб чиқариш қобилиятидан келиб чиқадиган нафликлар. Уларга қонуний туғилган болалар, обрў-эътибор, оила мақоми ва ҳоказолар киради;

- оила алоҳида уй хўжалиги сифатида фаолият юритиб, юқори унум ва самарали тарзда маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаради. Оила учун ишлаб чиқарилган ва мавжуд маҳсулот ҳамда хизматларнинг кўпчилиги ижтимоий, яъни жамоат неъматлари ҳисобланади, чунки улар оиланинг барча аъзолари учун наф келтиради.

Бозор иқтисодиёти шароитида оиланинг иқтисодий роли мураккаб ва кўп қирралидир. Оила уй хўжалигини, оилавий

бизнесни юритиш, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, истеъмол талабини зарур даражада таъминлаш, инвестицион салоҳиятни яратиш ва бошқа кўплаб масалаларни ҳал қилиши лозим бўлади. Буларни инобатга олган ҳолда бозор муносабатлари тизимида оиланинг умумий иқтисодий вазифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- оиланинг янги эҳтиёжларини ва имкониятларини шакллантириш;

- оиланинг иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиш ва ривожлантириш;

- оиланинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини ошириш;

- оиланинг нормал маиший ҳаёт кечириш шароитлари ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш.

Бу ерда оиланинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи тушунчаси интеграл кўрсаткич бўлиб, оилавий муносабатларда давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши хусусиятлари, унинг ҳуқуқий асослари, иқтисодий ривожланиш даражаси, маданияти ва ижтимоий онгини ўзида ифодалайди.

Оила уй хўжалигини юритиб, ресурслар бозорига ишчи кучи (меҳнат), капитал ва табиий ресурслар, тадбиркорлик қобилиятини етказиб беради. Унинг эвазига иш ҳақи, фойда, фоиз, рента шаклида пул даромадлари оладилар. Бу даромадларни истеъмол харажати сифатида ишлатиб, ўзларига керакли бўлган маҳсулот ва хизматларни харид қиладилар. Шунингдек, оила тадбиркорлик билан шуғулланиб, фирмалар ташкил қилади. Оилалар ташкил қилган фирмалар ресурслар бозорида иқтисодий, ишлаб чиқариш омилларини харид қилиб, улар асосида маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарадилар ҳамда уларни истеъмолчиларга сотадилар. Бозор иқтисодиёти шароитида оила, авваламбор, инсон капиталини шакллантириш ва жамғаришнинг асосий бўғини ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, оиланинг вазифаларини уч босқичда, яъни моддий асосни яратиш, таълим, инсон капиталини ишлаб чиқариш ва реализация қилишда кўриш мумкин.

Биринчи босқичда оиланинг моддий асоси яратилади. Бунда унинг оилавий бюджети



1-расм. Оиланинг инсон капиталини шакллантириш билан боғлиқ вазифалари

тини шакллантириш ва ундан фойдаланиш, уй хўжалигини юритиш функциялари амалга оширилади.

Иккинчи босқичда оила фарзандни дунёга келтириш, тарбиялаш ва уни ижтимоий-иқтисодий ҳаёт кечирish шароитларига мослаштириш вазифаларини бажаради. Бунинг учун моддий ресурслар, маҳсулот ва хизматлар зарур бўлади.

Учинчи босқичда тадбиркорлик фаолияти ва меҳнат қилиш орқали оила бозор хўжалигида оила аъзоларининг индивидуал, яъни якка тартибда иштирок этишини таъминлайди, оилавий бизнесни ташкил этади. Шунингдек, оила бозор иқтисодиётида корпоратив шаклда ҳам иштирок этади, уй хўжалигини юритади, даромад олади ва тақсимлайди. Оиланинг барча функция ва вазифалари ўзаро боғлиқ бўлиб, инсон капиталини яратиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, жамғаришга мақсадли йўналтирилган бўлади (1-расм).

Барча оилаларга хос бўлган умумий вазифа истеъмол вазифаси бўлиб, у уй рўзғор хўжалигини юритишни талаб қилади ва

меҳнат ресурсларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлади. Бу хўжалик оиланинг умумий мулкига ва топган даромадига таянади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, оила никоҳдан бошланади. Бунда куёв ва келин томони иқтисодий муносабатларга киришади. Турмуш қуришнинг ўз харажатлари ва фойдаси бўлади. Харажат ҳам иқтисодий, ҳам маънавий мазмунга эга. Иқтисодий харажат бу турмуш қуришнинг моддий пул сарфи бўлиб, келин ва куёвнинг ўзаро танишиши, уларни унаштириш, тўйни ўтказиш, қуда андачилик расм-русумларини ўтказиш, ёш оила мулкни шакллантириш харажатлари бўлиб, уни ҳар икки томон кўтаради. Бу сарфлар миқдори келишув асосида ва баҳоли қудрат белгиланади.

Моддий сарфлар оиланинг дастлабки мулки уй-рўзғор асбоб-анжомлари ва жиҳозларини ташкил этади. Булар узоқ давр ишлатиладиган маҳсулотлардан иборат бўлиб, оиланинг мулки ҳисобланади. Оила мулки дастлаб улушбайчилик қондасига бинноан (ҳар икки томон ҳиссасига қараб) шаклланса, сўнгра оила умумий даромадининг жамғарилиши асосида кўпайиб боради. Оила

қуришнинг маънавий харажати – оила мажбуриятининг зиммасига тушиши, сўққабошлик давридаги эркинликни йўқотиш, оила аъзолари раъйига қараб иш қилиш, яъни “озодликдан маҳрум” бўлишдир.

Оиланинг фойдаси шундаки, уй хўжалигини юритиш унинг аъзолари ўртасида тақсимланиб, меҳнат унуми ортади, чунки ҳар бир оила аъзоси маълум ишни бажаришга ихтисослашиб, уни яхши ижро этади. Сўққабошликда хўжалик юритиш оғир кечса, оилада бу иш енгил кечади. Оила истеъмолида ҳам тежамлилик бўлади, чунки бир қатор буюмлар биргаликда ишлатилади ва улардан самарали фойдаланиш мумкин.

Оила хонадонда эр-хотин ва болаларнинг манфаатини уйғунлаштиради, уларнинг саъй-ҳаракатига умумий йўналиш беради. Шу боис рўзғор юритишнинг бир қатор тамойиллари борки, уларга риоя қилиш керак бўлади.

Биринчи тамойил – оиланинг хатти-ҳаракати барча оила аъзолари талаб эҳтиёжини қондиришга бўйсунуши талаб қилинади.

Иккинчи тамойил – оиланинг иқтисодий фаолиятига оид қарори демократик асосда қабул қилиниши керак. Агар бу қарор оиланинг айрим аъзоси томонидан қабул қилиниб ижро этилса, у ҳолда ҳам бошқа оила аъзоларининг манфаатларини кафолатлаши талаб қилинади.

Учинчи тамойил – оила иқтисодий рационализм қоидасига риоя этиши керак, яъни оила ўз фаровонлигини оширишнинг энг нафли йўлидан бориши керак.

Тўртинчи тамойил – альтернатив (муқобил) танлов қоидасига амал қилиш керак. Оиланинг эҳтиёжи кўп бўлади, лекин унинг топган даромади чекланган ҳолда бўлиб, ҳамма эҳтиёжларни қондиришга етмайди. Шу боис, эҳтиёжларнинг энг зарури танлаб олиниши ва улар кам сарф билан қондирилиши лозим бўлади.

Бешинчи тамойил – иқтисодий компромисс (мурасага келиш) қоидасига амал қилиш. Бунда оила аъзолари оила фаровонлигини ошириш учун ким нима иш қилиши, кимнинг индивидуал эҳтиёжини қачон

қондириш ҳақида бир қарорга келиши ва уни ҳамжиҳатлик билан амалга ошириши талаб қилинади. Оиладаги компромиссни уйнинг ёши улуғлари (ота, она, қайнота, қайнона, ака, опалар) ҳал этиши мумкин.

Олтинчи тамойил – оила даромадлари ва харажатларини режалаштириш, уларнинг бир-бирига мувофиқлигини таъминлаб, оила бюджетдаги камомадга йўл қўймаслик. Ушбу тамойиллар оиланинг аҳил ва баркамол бўлишини, оила турмушини муттасил яхши бўлишини таъминлашга қаратилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва иқтисодиётни барқарор юқори суръатларда ривожлантириш натижасида аҳоли турмуш даражаси муттасил ошиб, оилаларнинг иқтисодий асослари янада мустаҳкамланиб бормоқда. Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробарга ўсди. Аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этди. Бунинг оқибатида аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошди. Бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга. Ҳар 100 та оилага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машиналари, чангютгич, микротўлқинли печ, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда¹. Аҳолининг истеъмол харажатлари 2013 йилда 2000 йилга нисбатан 9,5 баробар ошди. Сўнгги йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли 1,4 марта, сут – 1,3 марта, сабзавот ва полиз

¹ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир. / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // “Халқ сўзи”, 2013 йил 7 декабрь.

маҳсулотлари – 2,6 марта, мевалар истеъмоли 6,4 марта ошди¹.

Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг муттасил ўсиб, оилалар иқтисодий асосларининг мустаҳкамланиб боришида мамлакатимизда юқори ва мутаносиб иқтисодий ўсишнинг таъминланганлиги, ишбилармонлик-бизнес юритиш учун амалий қулай шароитнинг яратилганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар муҳим омиллар бўлиб хизмат қилмоқда.

Оила ўз мақомига кўра бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий фаолият соҳаларида турлича иштирок этади. Ишлаб чиқариш билан бевосита ўз номидан шуғулланувчи оилалар борки, улар оилада якка тартибда ишловчилар, оилавий деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик оилавий фирмалар, ҳунармандчилик корхоналаридан иборатдир. Айни вақтда шундай оилалар ҳам борки, уларнинг вакиллари турли фирма, корхона ва хўжаликларда ёлланган ходим сифатида ишлаб чиқаришда қатнашадилар, шу билан бирга майда тижорат билан ҳам шуғулланадилар. Яна бир тоифа оилалар борки, улар бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришда ва ўз хўжалигида меҳнат қилиб пул топадилар. Масалан, турли корхоналарда меҳнат билан банд бўлган ишчилар ўз ёрдамчи (томорқа, деҳқон) хўжаликларида ҳам меҳнат қиладилар.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий

асосларининг яратилганлиги учун ҳам тадбиркорликнинг ушбу шакли кенг ривож топмоқда. Бунинг натижасида оилалар даромадлари таркибида тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромадларининг ярмидан зиёдини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 20–25 фоиздан ошмайди².

Оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти катта. Биринчидан, у аҳоли учун зарур бўлган маҳсулот ва хизматларни яратади, иккинчидан, оиладаги ишчи кучини меҳнат билан банд этиб, оилага ўз-ўзини даромад билан таъминлаш имконини яратади. Оилавий тадбиркорликнинг бир қатор афзалликлари борки, булар уни рақобатбардош қилади:

1) оилавий тадбиркорлик кичик бўлгани сабабли катта капитал талаб қилмайди, уни бошлаш учун пул топиш енгил бўлади;

2) оилавий тадбиркорлик оиланинг ихтиёридаги кўчмас мулкка таянади, у уйда юритилгани учун капитал қурилиш ёки жойи ижарага олишни талаб қилмайди;

3) оилавий тадбиркорлик оммавий истеъмом учун эмас, балки маҳаллий бозордаги сайланган истеъмомчилар учун ишлайди. Унинг бозори кичик бўлгани учун рақобатга кам йўлиқади;

4) оилавий тадбиркорлик кўпроқ қўл меҳнатини талаб қилувчи маҳсулот ва хизматларни арзон ишлаб чиқаришга мосланади;

5) оилавий тадбиркорлик оиладаги бекор турган меҳнат заҳираларига таянади, яъни бекалар, болалар ва қариялар кўмагида юритилади, натижада иш кучи ёллаш зарурияти камаяди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан,

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи”, 2014 йил 18 январь.

² Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи”, 2014 йил 18 январь.

2012 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағлари ҳажми 5 трлн 346 млрд сўми (2011 йилга нисбатан 130%) ташкил этди, шу жумладан: 48,5 млрд сўм – касбхунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини очиш ҳамда олинган замонавий билим ва кўникмаларни амалиётга татбиқ этиш учун; 80,1 млрд сўм – ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун; 618,0 млрд сўм – хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун; 491,7 млрд сўм – аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун¹ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга молик бўлди. Мазкур дастурда оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган².

Эндиликда, оиланинг ижтимоий-иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислоҳ этишни изчил давом эттириш негизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириб бориш;

¹ Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. – Т., ЦЭИ, 2013. – С. 32; ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

² Фарзандлари соғлом мамлакатнинг келажаги буюқдир. // “Халқ сўзи”, 2014 йил 22 февраль.

- оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оила қуришга тайёрлаш учун ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синфларида ҳамда ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида оилага йигит ва қизларни босқичма-босқич тайёрлашга йўналтирилган махсус ўқув ва факультатив курсларни жорий этиш;

- оила иқтисодиёти, уй хўжалиги, оила молияси ва рўзғор юритиш асосларига бағишланган мавзуларни ўрта умумтаълим мактабларида ўқитиладиган иқтисодий билим асослари фанлари ўқув режаларига киритиш, ушбу фанлар бўйича дарсликларни улар ҳисобига такомиллаштириш; иқтисодиёт йўнлашидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида “Микроиқтисодиёт” фани доирасида “Оила ёки хонадон иқтисодиёти”, “Оилавий тадбиркорлик”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш” каби махсус ўқув курсларини ўқитишни йўлга қўйиш; шаҳар ва туманларда никоҳдан ўтиш учун ариза берган йигит ва қизлар учун “Оила-рўзғор юритиш асослари” бўйича махсус қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш;

- никоҳ тўй маросимларини ихчамлаштириш ва оқилонлаштириш ҳисобига ёш оиланинг дастлабки мол-мулки ва сармоясини шакллантиришда йигит ва қиз оналарининг ўзаро келишув асосида баҳолиқудрат иштирок этишлари;

- ёшлар фаолият қиладиган ташкилот ва корхоналардаги меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикчилик тизимлари ривожланиб боргани сайин уларнинг ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдаги иштирокларини кенгайтириб бориш.

Шунингдек, бизнинг фикримизча, республикамизда оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш ва “Соғлом она – соғлом бола” дастурларини амалга ошириш борасида тўпланган тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, “Соғлом ва масъулиятли ота – мустаҳкам оила ва соғлом бола кафолати” тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қўллаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. // "Халқ сўзи", 2013 йил 7 декабрь.
2. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // "Халқ сўзи", 2014 йил 18 январь.
3. Абулқосимов Ҳ.П., Халмуратова Г.П., Жуманиязова М.Ю. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш масалалари. – Т.,ТМИ, 2004.
4. Инсон тараққиёти. (Дарслик.) / И.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида. – Т.: "Fan va texnologiya", 2013.
5. Фарзандлари соғлом мамлакатнинг келажаги буюқдир. // "Халқ сўзи", 2014 йил 22 февраль.
6. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень за 2012 год. – Т., ЦЭИ, 2013.
7. Абулқосимов Ҳ.П. ва бошқалар. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши. – Т.: "Akademija", 2011.